

“SHARQ” НМАК



Ёшлар иттифоқи бошланғич
ташкилоти

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“SHARQ” НМАК

Бош директори



А.Гулямов

20 19 г.

ЁШЛАР ИТТИФОҚИ БОШЛАНҒИЧ
ТАШКИЛОТИ ЕТАКЧИСИ ЙЎРИҚНОМАСИ



1. УМУМИЙ ҲОЛАТИ

1.1. Бошланғич ташкилот етакчиси касб жиҳатидан раҳбарлар тоифасига мансуб бўлиб, у компания бош директори буйруғига асосан ишга тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

1.2. Етакчи вазифасига тайинланган ходим исталган Олий ўқув юртини тамомлабгина қолмай, жамоатчилик ишларида фаол ва ташкилотчи бўлиши лозим. Шунингдек, етарли касбий ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши даркор.

1.3. Бошланғич ташкилот етакчиси бевосита Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раиси ҳамда компания Бош директорига буйсунади.

1.4. Ўз иш фаолиятида етакчи қуйидагиларга асосланиб иш кўради:

- Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи кенгаши қарорлари ва баённомаларига;
- Ҳукумат қарор ва фармойишларига;
- Компания директорининг буйруқ ва фармойишларига;
- Мазкур лавозим йўриқномасига.

1.5. Етакчи қуйидагиларни билиши зарур:

- Бошланғич ташкилот ҳақидаги йўриқномани;
- компьютерда ишлашни;
- Ўз соҳасига тегишли қонунлар, қарорлар, фармойишлар ва буйруқларни;
- Ҳисоботлар бериш тартиби ва муддатини;
- Ички меҳнат интизоми қоидаларини;

1.6. Бошланғич ташкилот етакчиси компания Бош директор ўринбосари лавозимига тенглаштирилади. У етакчи йўриқномасида белгиланган мажбуриятларни бажариш билан бирга, ўзига ишониб топширилган вазифаларни вақтидаги ижроси учун жавобгар ҳам ҳисобланади.

2. ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

2.1. Бошланғич ташкилот етакчиси қуйидагиларни билиши зарур:

- иш тартибини тўғри ташкил қилиш, меҳнат ва ижро интизомига қатъий риоя этиш. Ёшлар сиёсатида оид Давлат Дастурига биноан иш олиб бориш. Техник воситалар билан ишлаш (компьютер, факс, сканер ва бошқалар), кўпчилик билан баҳамжихатликда ишлаш (жамоада) ва бошқалар.

3. МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун етакчи:

- Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини кучайтириш, спорт тарғиботи бўйича чора-тадбирлар йиллик дастурини тузиб, раҳбариятдан тасдиқлатиш ва шу асосда иш олиб бориш.

- бошланғич ташкилот ишини бошқариши;



- ёшларнинг ақлий салоҳияти, маънавий онги ва маданиятини ошириш бўйича иш олиб бориши;

- зарур ҳолларда бошланғич ташкilotга кенгаш аъзоларини ва координаторларни сайлаш ва озод қилиш.

4. ХУҚУҚЛАРИ

4.1. Етакчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Компания директорига бошланғич ташкilot ишини янада жонлантириш, иш тизимига янги ғояларни татбиқ этиш, янгиликлар яратиш юзасидан таклифлар бериш;

- Ҳужжатларга ўз хизмат ваколати доирасида имзо чекиш ва ёзма кўрсатма бериш;

- Компания цех ва бўлинмаларидаги ёш кадрлар иш фаолиятига доир маълумот ва ҳужжатлар олиш;

- Компания раҳбариятидан хизмат йўриқномасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда зарур пайтда ёрдам сўраш;

- тадбирларга ўз вақтида тайёргарлик кўриш (керакли материалларни йиғиш, қатнашувчиларга тадбир вақти ва ўтказиладиган жойи ҳақида хабар бериш).

- спорт мусобақалари ва оммавий тадбирларни ташкил этилишида алоҳида фаоллик кўрсатган ёшларни моддий рағбатлантириш бўйича компания раҳбариятига таклиф киритиш.

5. ЖАВОБГАРЛИК


5.1. Бошланғич ташкilot етакчиси қуйидагиларга жавобгардир:




- юқори турувчи ташкilot ва муассасаларга бериладиган ҳисоботлардаги маълумотлар, сана, рақамларнинг тўғрилиги;

- ўз хизмат вазифасига совуққонлик ва лоқайдлик билан қарагани;

- бошланғич ташкilot тасарруфидаги мулк ва жиҳозларга зиён етказгани,

- иш фаолиятида Республика Меҳнат Қонунчилиги тартиб-қоидаларига риоя қилмагани учун Жиноят ва Фуқаролик Кодексининг тегишли бандлари билан маъмурий жавобгарликка тортилади.

“SHARQ” HMAK		Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти
--------------	--	------------------------------------

	Лавозими	Имзо	Ф.И.Ш.	Сана
Ишлаб чиқилди:	Касаба уюшма қўмитаси раиси		F.F. Ҳақимов	3.10.2019
Келишилди:	Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи		Ж.А. Раҳмонов	3.10.2019
	Юридик бюроси ходими		А. Гулямов	3.10.2019
Танишдим:	Бошланғич ташкилот етакчиси		Ш.А. Пулатова	3.10.2019